



Икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг таклифига биноан 1-2 октябрь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.



2 октябрь куни Доха шаҳридаги "Амири Девон" мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ўзбекистон етакчиси Шавкат Мирзиёевни Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний самимий кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ҳарбий оркестр икки мамлакат мадҳияларини ижро этди.

Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдида ўтдилар ва расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

"Амири Девон" мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

Мирзиёев ва Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг икки мамлакат расмий делегациялари иштирокидаги музокарали бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Қатар Амирига ташриф билан келиш таклифи ҳамда Ўзбекистон делегациясига кўрсатилаётган меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди.

Сиёсий мулоқотни янада мустақамлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш ва маданий-гуманитар алоқаларини фаоллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Қатар Амири жорий йил июнь ойида Самарқандга амалга оширган тарихий ташриф мамлакатларимиз муносабатларида янги босқични бошлагани

таъкидланди. Ўзбекистон билан Қатар ўртасидаги ҳамкорликни янада юқори, стратегик шериклик даражасига олиб чиқишга қатъий интилиш билдирилди.

Турли даражаларда мулоқотлар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ҳажми ошмоқда, икки мамлакат пойтахтлари ўртасида авиақатновлар йўлга қўйилди. Қатарнинг йирик компаниялари билан қўшма лойиҳалар бошланди.

Ташриф арафасида Дохада Ўзбекистон элчихонаси очилди, унинг фаолияти самарали шерикликни фаол ривожлантиришга кучли суръат бағишлайди.

Қатарда муваффақиятли амалга оширилаётган ҳамда Янги Ўзбекистон тарлақий стратегиясининг мақсад ва вази-

фаларига ҳамоҳанг бўлган "Нихоҳ 2030" давлат дастурига юқори баҳо берилди.

Томонлар савдо кўрсаткичларини каррасига ошириш, анъанавий ва "яшил" энергетика, нефть-кимё, металлургия чўқур қайта ишлаш, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, туризм, молия ва бошқа соҳаларда қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга тайёрлигини билдирди.

Ишбилармонлик алоқаларини фаоллаштириш учун 2024 йил январь ойида Дохада қўшма Ҳўкуматларо комиссия, Ишбилармонлар кенгашининг биринчи йўғилишлари ва бизнес-форумини ўтказиш таклиф қилинди.

Маданият, таълим ва туризм соҳаларидаги алмашувни кенгайтиришга қаратилган савдо-иқтисодий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш лозимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Қатарнинг илмий ва таълим муассасалари билан ҳамкорликни чўқурлаштириш, биотехнологиялар ва сунъий интеллект, "яшил" энергетика борасида қўшма тадқиқотлар ўтказишдан манфаатдор экани таъкидланди. Дохада Ўзбекистон маданияти ва туризм ҳафталигини ўтказишга келишиб олинди.

Глобал ва минтақавий аҳамиятта молик долзарб масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Трансафғон темир йўлини қуриш лойиҳасини амалий илгари суриш масалаларини қўллаб-қувватлаш муҳимлиги қайд этилди.

Томонлар Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун афғон халқига гуманитар ёрдам кўрсатишни давом эттириш муҳимлиги ҳақида яқдил фикр билдирдилар.

Учрашув якунида давлат раҳбарлари бир қатор қўшма "йўл харита"ларини тайёрлаш ва эришилган келишувларни самарали рўёбга чиқариш механизмларини яратиш топширигини бердилар.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг музокаралидан сўнг икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Хусусан, ҳамкорликнинг турли соҳаларини қамраб олувчи қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

— Ўзбекистон Республикаси Ҳўкумати ва Қатар Давлати Ҳўкумати ўртасида туризм ва ишбилармонлик тадбирлари соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳўзуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва Қатар Давлати Ижтимоий ривожланиш ва оила вазилиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

— Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазилиги ва Қатар Давлати Ички ишлар вазилиги ўртасида ўзаро англашув меморандуми;

— Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ва Қатар Давлати Инвестиция агентлиги ўртасида инвестициявий ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми;

— Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Қатар Давлати Маъмурий назорат ва шаффофлик бошқармаси ўртасида ўзаро англашув меморандуми.

Бундан ташқари, ташриф доирасида қуйидаги келишувларга эришилди:

— Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари қўмитаси ва Доха динлараро мулоқот халқаро маркази ўртасида ўзаро англашув меморандуми;

— Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳўқуқлари бўйича миллий маркази ва Қатар Давлати Инсон ҳўқуқлари бўйича миллий қўмитаси ўртасида ўзаро англашув меморандуми;

— Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Қатар Давлати Савдо-саноат палатаси ўртасида қўшма ишбилармонлар кенгашини тузиш тўғрисида битим;

— Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Қатар Давлати Савдо-саноат палатаси ўртасида ўзаро англашув меморандуми.

Президент Шавкат Мирзиёев шу куни Доха шаҳрида ўзига ажратилган қароргоҳда Қатар Давлатининг собиқ Бош вазири, мамлакатдаги қатор йирик инвестиция ва саноат холдинглари асосчиси Ҳамад бин Жассим Ол Сонийни қабул қилди.

Ўзбекистон ва Қатарнинг етакчи компания ва корхоналари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Энергетика, саноат, инфратузилма, туризм, банк-молия соҳаларида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш шароитлари яқинда.

Давлатимиз раҳбари экспертлар гуруҳини шакллантириш ва "йўл харитаси"ни қабул қилиш орқали қўшма лойиҳаларни амалга ошириш жадваллаштириш муҳимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қатарга давлат ташрифи доирасида "ЭКСПО Доха — 2023" бутунжаҳон кўргазмасининг очилиш маросимида иштирок этди.

Тантанали тадбирда Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний, Бирлашган Араб Амирликлари Президенти шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён, Ироқ, Яман ва бошқа қатор мамлакатларнинг давлат ва ҳўкумат раҳбарлари қатнашди.

"ЭКСПО Доха" минтақада ўтказилаётган илк глобал "яшил" кўргазмадир. Тадбир "Яшил саҳро, янада яхши атроф-муҳит" шiori остида ўтказилмоқда ва келгуси йил март ойига қадар давом этади.

Форум иштирокчилари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экотизимларни ривожлантириш, "ақлли" қишлоқ ҳўжалигини жорий қилиш, янги турдаги экинларни етиштириш, инновацион боғлар яратиш ва бошқа йўналишлардаги илғор технологиялар ва ютуқлар билан танишди.

Кўргазма доирасида ташкил этилган Ўзбекистон миллий павильонида интенсив деҳқончилик ва чорвачилик, экологик менежмент соҳаларидаги энг янги технологиялар, мамлакатимиз боғдорчилик ва озик-овқат тармоқлари тақдимотлари намойиш этилмоқда.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қатарга давлат ташрифи якунланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Мамбуот хизмати сурати.

МУНОСАБАТ

МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ҲАМ, ДУНЁНИНГ ҲАМ ТИНЧЛИГИГА БОҒЛИҚ МАСАЛА

Бугунги дунё глобал муаммолар қуршовида қолмоқда. Тинчлик ва барқарорликни асраш, миллий ўзлигини ва чегаралар дахлсизлигини сақлаб қолиш тобора қийин тус олмақда. Бундай вазиятда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчлик ва хавфсизлик, барқарор ривожланишни таъминлаш, инсон ҳўқуқларини ҳимоя қилиш йўлида аъзо давлатлар савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Шу ўринда иккита муҳим маълумотни айтиб кетсак: БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳи пештоқида Шарқнинг улўғ шiori Шайх Саъдийнинг байти битилган. Бу байт БМТ мақсадларини англаб туради, яъни инсониятни уруш очмасликка, бир-бирини асраб-авайлашга ундай-

ди. Дунёда алломалар, мутафаккирлар, файласуфлар куп, уларнинг ҳикматлари сон-саноксиз, лекин дунё Ташкилоти Шарқ оламнинг буюк донишманди сўзини ўз шiori сифатида қабул қилгани биз учун жуда катта фахр.

▶ Давами 2-бетда

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

ТАРИХИЙ ФУРСАТ ЯҚИН

Уни янада тезлаштириш учун қандай чора-тадбирлар кўрилиши керак?

"Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишига бир қадам қолди", "Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзоликка яқин!", "Ўзбекистон тез орада ЖСТга аъзо бўлади"... Кейинги пайтда оммавий ахборот воситаларида шунга ўхшаш сарлавҳалар остидаги кўнгилни кўтарадиган, ўнлаб йиллик орзулар рўёбга чиқаётганига доир материаллар тез-тез чиқиб турибди. Президентимиз жорий йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессияси доирасида Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) бош директори Нгози Оконжо-Ивеала билан учрашди. Унда Ўзбекистоннинг тез фурсатда ЖСТга аъзо бўлиши бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ўз олдига ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш бўйича қўйган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ташкилотга қўшилиш муҳим аҳамиятта эга эканини алоҳида таъкидлади. Ишчи гуруҳнинг навбатдаги

йўғилишини тайёрлаш, шунингдек, жараёнда иштирок этаётган мутахассислар салоҳиятини кучайтириш ва малакасини ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

▶ Давами 3-бетда

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ



ЎЗ-ЎЗИДАН ПАЙДО БЎЛИБ ҚОЛМАГАН

УЛАР БИЗНЕС, ТАДҚИҚОТЛАР ВА РЕСУРСЛАР ЎРТАСИДАГИ БЎШЛИКНИ ТЎЛДИРАДИ, МАҲСУЛДОРЛИКНИ КЎПАЙТИРАДИ

Пахта деса одамлар юраги зириллайдиган кунлар ортда қолди. Мана, мамлакат миқёсида ўқувчи талабасиз, бюджет ташкилотлари ходимларисиз ҳам пахта сифатли ва нес-нобуд қилинмасдан териб олинган. Бунинг сабаби оддий — пахта манфаатга айланди, деҳқон меҳнати қадр тояпти. Бу пахтачиликда яратилган ҳўқуқий асос тўғрисида таъминланаяпти.

Президентимизнинг 2021 йил 16 ноябрдаги "Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони пахтачиликни мажбурий меҳнатдан холи, сердаромад соҳага

айлантириш, тўқимачилик ва қайта ишлаш саноати ривожини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилувчи муҳим ҳўжатлардан бири бўлди.

▶ Давами 4-бетда

МАҲАЛЛАНING ЎСИШ НУҚТАСИ



ЭПЛАГАН ЭЛАҚДА СУВ ТАШИР 2

ТАЪЛИМ



ХОЛБОВНИНГ ОИЛАВИЙ МАКТАБИ 5

ЎЗ-ЎЗИДАН ПАЙДО БЎЛИБ ҚОЛМАГАН

ТАРАКҚИЁТ ЙЎЛИ

УЛАР БИЗНЕС, ТАДҚИҚОТЛАР ВА РЕСУРСЛАР ЎРТАСИДАГИ БЎШЛИҚНИ ТЎЛДИРАДИ, МАҲСУЛДОРЛИКНИ КЎПАЙТИРАДИ



Дилором ИМОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Бошланғич 1-бетда

Совет даври авлоди вакиллари, айниқса, оқ пахтанинг ортидаги "қора кунлар"ни яхши эслайди. Ҳосилни йиғиб олиш учун қимирлаган жон борки, далага сафарбар қилинарди. Ҳатто шундай ҳолатлар бўлганки, одамлар жанозадан пахта даласига ҳайдаб кетилган. Пахта мавсумида тўй-маросимларга қатъий чекловлар қўйилган. Ҳосилни териб олиш ишлари қаҳратон қишгача чўзилиши оддий ҳолга айланган.

Пахта сибасат эди, пахта азоб эди, шу билан бирга, пахта гўёки муқофот эди. Чунки ўша даврлар пахта экиш ва териш сиёсий кампанияга айланганди. Бу ишдан ёшу қари, аёлу эркак, соғу носоғлом — ҳеч ким четда қолиши керак эмасди. Кимлардир моҳир пахтакор, теримчи, тракторчи сифатида танилди. Тўғрироғи, танилди. Лекин булар сохта эди. Ясама эди. Бунга мисоллар талайгина.

Пахта яқин ўтмишда халқни қон қақшатириб келди. Бироқ ўшанда биз собиқ СССР таркибиде кимларгадир тобе бўлганми. Минг чаноққа минг марта эгилган ўзбекнинг пахтаси марказга ташиб кетилган. Кейин "Пахта иши", "Ўзбек иши"... Хўп, ўшанда кимларгадир тобе бўлганми. Кейин-чи? Нега истиқлол йилларида ҳам одамлар оёқости бўлди?

Истиқлолга эришганимиздан кейин ҳам яқин йилларгача пахта кўтқусидан халос бўлмади. Халқро жамоатчилик, айниқса, йирик фонд биржалари эгалари АҚШ ва Британия каби давлатлар ўзбек пахтасини пилла билан бир қаторда мажбурий меҳнат ҳосиласи бўлган маҳсулотлар рўйхатида қолдирди. Халқро ҳам жамаият Ўзбекистонни болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам беришга қаҳриб келди. АҚШ Меҳнат вазирлиги дунё бўйлаб Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат натижасида етиштирилган маҳсулотлар рўйхатини тузишнинг бошланган 2009 йилдан буён Ўзбекистон ундан тушмай келаётганиди. АҚШ ҳукумати ҳисоботида 7 яшар мактаб болаларигача мунтазам равишда пахта йиғим-терими-га жалб қилинган тинмай танқид остига олинди. Болалар оғир шароитларда пахта теришга мажбурланган, уларга ҳақ тўланмаган ёки жуда кам тўланган ёхуд ишлаган ҳақлари оқват ва ётоқ учун ушлаб қўлинган. Пахтага чиқмаган болалар жазоланган, дейилади ҳисоботларда.

Ўзбекистон пахта саноатида болалар меҳнатидан фойдаланиш кўлами 2016 йилдан бошлаб қисқара бошлади ва 2017 йилдан болаларни пахтага мажбуран олиб чиқиш ҳолатлари бартираф этилди.

Шавкат Мирзиёевнинг сай-ҳаракати билан болалар мажбурий меҳнати, ўқитувчи ва шифокорларни оммавий пахта даласига ҳайдаб кампаниясига буткул чек қўйилди. АҚШ Меҳнат вазирлиги ҳам

Ўзбекистон ҳукумати болалар меҳнатига чек қўйиш юзасидан кўрган чораларни эътироф этди. Президентимиз бу борада сиёсий ирода намойиш этганини бутун дунё олқишлади.

Бугун аграр соҳага татбиқ этилаётган янги ғоя ва инновациялар аграр секторни саноатлаштириш, қишлоқ меҳнатқашлари ҳаёт даражасини юксалтиришга хизмат қилаётгани бор гап. Айниқса, пахта-тўқимачилик кластерлари фаолияти бунга мисол бўла олади. Тизим орқали қишлоқ ҳўжалигида маҳсулот етиштириш ва чуқур қайта ишлашнинг "занжирли усули" яратилди. Хўш, бу қандай самара берапти?

Шубҳасиз, кластер ва манфаатдорлик Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалигининг келажагидир. Шу боис, сўнгги йилларда пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини мувофиқлаштириш, қонуний манфаатларини химоя қилиш, бу борада юзага келаётган тизимли муаммоларни бартараф этиш борасида самарали механизм яратилди. Натижада аграр соҳада мулкни бошқариш ва маҳсулот етиштиришнинг кластер усулида бой тажриба тўпланди.

Қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали соҳада самарадорликни оширишда кластер энг истиқболли йўлга айланмоқда. Бир мисол, айнан кластерлар тўсуғали хозирги давр талаби бўлган илмий тадқиқот ва ишланмаларни молиялаштириш кўлами кенгайди, уларнинг техник таъминот даражаси юксалди. Ўз навбатида, инвестициявий ташқи лойиҳаларни ташқи эгитиш, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишда янги имкониятлар вужудга келади. Илмий ходимлар ва мутахассисларни кўпроқ рағбатлантириш янги товарларни Ўзбекистон бренди билан бозорга чиқаришга мустақкам пойдевор бўлади.

Иш юритишнинг кластер тизимига ўтилишидан кўзланган биринчи мақсад — ердан самарали фойдаланиш. Қолаверса, қишлоқ ҳўжалигини саноатлаштириш, четга хомашё эмас, қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот сотиш, даромаднинг ошириш орқали дала меҳнатқашларининг ҳаёт даражасини кўтариш. Зеро, аграр жабҳадаги натижалар биргина хосилдорлик кўрсаткичи билан ўлчанадиган даврлар ўтиб кетди. Олинандиган даромад ва соғф фойда асосий мезонга айланиши керак. Бугунги кунгача пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан соҳага 5 миллиард 300 миллион доллар инвестиция киритилган, уларга 3 миллиард доллар имтиёзли кредитлар ажратилган. Кластерлар томонидан 4 миллиард долларлик 265 та лойиҳа ишга туширилиб, 300 мингта янги иш ўрни яратилган. Натижада пахта хосилдорлиги 30 фоиз ошиб, 26 центнердан 34 центнерга етди.

Кластер тизимининг яна бир афзаллиги шундаки, фермерлар толаннинг бир килосини 1,5 долларга сотса, кластерлар пахта хомашёсини бундай арзон баҳога сотмайди. Уларга 1,5 долларлик хомашёни 25 доллар қийматга айлантириш имконияти бор. Мана, кластернинг асосий устунлиги қаерда! Қолаверса, аҳоли бандлигини таъминлашда қўшимча имконият яратилади. Чунки ҳар 100 гектарда 15-25 нафар киши доимий иш билан таъминланиши, уларга меҳнат дафтарчаси очилиб, ойлик берилиши керак. Афсуски, фермер ҳўжаликларида бунинг уддасидан чиқилмагани оқи



батади чекка ҳудудларда ишсизлик энг оғирлики муаммога айланганди. Кластер усулига ўтилган, одамлар йил ўн икки ой иш билан таъминланди, меҳнатига яраша ҳақ берилмоқда. Бугун улар қишлоқ ҳўжалигидаги кластер испохоти самараларини ўз ҳаётида ҳис қилмоқда.

Кластер тизимига ўтилгани натижасида қисқа вақт ичида қишлоқ ҳўжалигида кескин ўзгаришлар қилишга замин яратилди. Хусусан, ўтган опти йилда пахта толасини қайта ишлаш 2,5 баробар

тахминан 10-12 минг гектар ерда пахта етиштириб, 40 миллиард долларлик маҳсулотни экспортга чиқаради. Ахир бизда ҳамма имкониятлар етарли-ку.

Кластерлар ташкил этилишининг мақсади, аввало, пахтачи чуқур қайта ишлаш. Ишлаганда ҳам ўзимизда қайта ишлаш. Шундай бўлса, пахтадан кўра, яхши даромад берадиган соҳа йўқ. Лекин шунини тизимли, тартибли амалга оширишимиз керак. Биринчидан, еримизни сошлаш, иккинчидан, сув тежовчи технологияларни қўллашни кўпайтириш зарур. Учунчидан, ҳамма пахта машинада териб олиниши лозим. Буларнинг ҳаммаси эса илм, инновацияни талаб этади.

Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида айтилганидек, кластер элга манфаат келтиради, одамларни иш, даромад билан таъминлайди. Энг катта мақсадимиз мана шу.

Кластерлар иқтисодий ривожланиш, ихтисослашувлар тақсимоти ва ишлаб чиқариш кооперацияси жараёнида чуқур стратегияга таянган ҳолда юзага келган инновацион тузилмадир. АҚШдаги электроника ва ҳисоблаш техникасини қарийб ярми жамланган Силликон водийси, Калифорниядаги дунёга машҳур узумчилик ва виночилик кластери бунга еркин мисол. Европа комиссияси 2006 йилдаёқ кластерларга эътиборни кучайтириш ғоясини илгари суриб, бундай мурожаат қилган эди: "Кластернинг бир қисми бўлиш бизнесда устунликка эришиш заровидир. Кластерлар бизнес, тадқиқотлар ва ресурслар ўртасидаги бўшлиқни тўлдиршига ёрдам беради. Шундай қилиб, бозорга ҳам тез сурағларда билмларни етказиши мумкин. Муваффақиятли кластерлар интенси рақобат билан бир вақтнинг ўзида ҳамкорликни тарғиб қилади. У маҳсулдорликни кўпайтиради, инвестицияларни жалб этади, тадқиқотларни илгари суриб, саноат базасини кучайтиради, маҳсул маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда ҳамма малака ошириш пойдеворида айланади".

Европадаги минтақавий сиёсат тизимида нафақат илғор шаҳарлар, балки нисбатан камбағал қишлоқларда ҳам ҳудудий инновацион кластерларни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани боиси шунда. Хусусан, кўҳна қишлоқнинг қатор мамлакатлари инновацион дастурларини шакллантиришда ҳамон кластер усулидан самарали фойдаланмоқда. Зеро, қаердаки ишлаб чиқариш техникаси ва технологияларини юксалтириш асосида янги бозорларга чиқиш зарурати ёки имкониятлари мавжуд бўлса, айнан ўша ерда илм ва амалий самарага асосланган кластерлар яратилади.

Ўртимизда ҳам ҳудудлар иқтисодиётини кўтариш, чекка ҳудудларга саноатни олиб кириш мақсадида қишлоқ ҳўжалиги тармоқларида кластерлар ташкил этилаётгани эътиборга моликдир.

Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалиги узоқ мuddат эски қолипларда қолиб кетди, соҳага янчи ёндашувлар, ноу-хаулар

деярли татбиқ этилмади. Имкониятлардан самарали фойдаланмаслик оқибатида етиштирилаётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари сифат кўрсаткичлари тушиб кетди. Хомашёни сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланувчи бозор субъектлари ўртасидаги узаро ҳўқуқий-иқтисодий муносабатларга, фаолият самарадорлиги ва рақобатбардошлик кўрсаткичларига жиддий путур етди. Фермерларда ерга эгалик ҳисси йўқолди, қишлоқ меҳнатқашларининг моддий манфаатдорлиги, келажакка ишончи пасайди.

Фақатгина кейинги йилларда соҳага янги нафас кириб, кластерлар пайдо бўлган, деҳқон ва саноатчилар манфаати муштараклашди, хомашёни чуқур қайта ишлаш ҳаққиси вужудга келди. Давлат, бизнес ва меҳнатқашлар биллашган жойда эса халқ ютади, жамият равишга топади, ҳар қандай мураккаб синволларни енгиб ўтиш анча осонлашади.

Ҳозир мамлакатимизда жами 1031,5 минг гектар пахта майдони мавжуд бўлиб, шундан 866 минг гектари 28,3 минг фермерга, 165,6 минг гектари кластерларга ижара ҳўқуқи асосида бириктирилган. Айнан кластерларнинг қишлоқ ҳўжалиги тармоғига кириб келиши пахта етиштиришга муносабатни ўзгартирди. Янада соддароқ айтганда, пахтачи хомашё эмас, тайёр маҳсулот сифатида сотишнинг самараси ҳаётий мисолларда исботланди.

Юқорида эслатилган "Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон эса пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини янада такомиллаштириш, қишлоқ ҳўжалиги ерларини самарали фойдаланишдаги роли ва масъулиятини ошириш, маҳсулот етиштирувчи ва уни қайта ишловчилар манфаатдорлигини таъминлашга доир бозор тамойилларини кенг жорий этишга хизмат қилмоқда.

Бугун мамлакатимиз иқтисодиёти, хусусан, қишлоқ ҳўжалигида ўзгаришлар катта. Деҳқончилик маданияти юксалса, нафақат қишлоқ ҳўжалиги, балки қишлоқлар инфратузилмаси ҳам ривожланиб бораверади. Дейлик, бир кластер қайсида қишлоқда қайта ишлаш корхонаси ёки хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйди. Бу, табиийки, ўша ҳудудда савдо дўкони, автомобилларга хизмат кўрсатувчи сервислар, саргарошхона, бозорчи, ошона каби кичик-кичик тадбиркорлик субъектлари очилишига олиб келади. Одамлар ишли бўлади, турмуши, яшаш шароити яхшиланади. Кўрпачилик, биргина кластер тизими қанчадан-қанча имкониятларни юзага чиқаряпти. Қишлоқлар обод бўлишига замин яратяпти.

Янги Ўзбекистон деяпмиз. Учунчи Ренессанс деяпмиз. Унинг пойдевори мана шу эмасми? Чунки битта соҳадаги эътибор, ўзгариш бошқа соҳаларга ёйилапти. Аслида, Ренессанс биргина тармоқ ёки соҳада намоён бўлиб қолмайди. У барча соҳани қамраб олади ва уни ҳамма-ҳамма сезиши, ҳис қилиши керак.

Албатта, Ренессанс бир-икки йилда юзага чиқадиган ҳодиса эмас. Қувонарлиси, бугун мамлакатимизда қилинаётган ишлар шиддати баланд, кўзланган мақсадлар аниқ. Янги Ўзбекистон ғояси билан Учунчи Ренессанс ғояси уйғун тушунчалардир. Бирини иккинчисиз тасаввур қилиш қийин.

Ҳар бир соҳадаги ўзгариш — бу инқилоб. Ренессанс устунларидан бири —

“ ҲОЗИР МАМЛАКАТИМИЗДА ЖАМИ 1031,5 МИНГ ГЕКТАР ПАХТА МАЙДОНИ МАВЖУД БЎЛИБ, ШУНДАН 866 МИНГ ГЕКТАРИ 28,3 МИНГ ФЕРМЕРГА, 165,6 МИНГ ГЕКТАРИ КЛАСТЕРЛАРГА ИЖАРА ҲЎҚУҚИ АСОСИДА БИРИКТИРИЛГАН. АЙНАН КЛАСТЕРЛАРНИНГ ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ТАРМОҒИГА КИРИБ КЕЛИШИ ПАХТА ЕТИШТИРИШГА МУНОСАБАТНИ ЎЗГАРТИРДИ. ЯНАДА СОДДАРОҚ АЙТГАНДА, ПАХТАНИ ХОМАШЁ ЭМАС, ТАЙЁР МАҲСУЛОТ СИФАТИДА СОТИШНИНГ САМАРАСИ ҲАЁТИЙ МИСОЛЛАРДА ИСБОТЛАНДИ.

қишлоқ ҳўжалиги. Қишлоқ ҳўжалигида кластер усулига ўтилиши ҳам Ренессанс пойдеворининг битта қадамидир. Чунки энди пахта энг катта даромад келтираётган соҳага айланди. Энди халқимиз пахта деган экин бошга битган бало эмаслигини англамоқда. Одамлар туманимиз, вилоятимиз ёки республикамиз қачон "пилла"ни тўлдирар экан, деб ҳар қуни телевизорда бериладиган ҳисоботни интиқлик билан кутаётгани йўқ. Энди пахта ҳам қиш кунларигача далада қолиб кетмаёпти. Нега? Чунки бугун пахта сибасат эмас, даромад экинига айланиб улгурган.

Аммо бу аграр тизимда муаммо йўқ, дегани эмас. Гап шундаки, аввал ҳамма нарса битта мақсадга бўйсунган — пахта режасини топириш. Боз устига, Президентимиз шу ҳафта БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида таъкидлаганидек, иқлим ўзгариши, музликлар эриши оқибатида минтақамиздаги иккита йирик дарё — Амударё ва Сирдарё оқими 15 фоиз қисқариши мумкин. Жон бошига сув билан таъминланиш даражаси 25 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлиги эса 40 фоиз камайиши кутилмоқда. Агар ўз вақтида таъсирчан чоралар кўрилмаса, ушбу муаммолар оқибатлари минтақамиздаги ихтимомий-иқтисодий бирақарорликка жиддий путур етказиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари шундан келиб чиқиб, томчилатиб суғориш ва инновацион технологияларни зудлик билан жорий этиш кераклиги ҳамда исрофгарчиликка йўл қўймаслик ҳақида такор-такор бонг урмоқда. Томчилатиб суғориш тизимини жаҳоннинг қишлоқ ҳўжалиги тараққий этган кўпгина мамлакатларида ҳам жорий этилган бўлиб, кенг жамоатчилик ва илмий жиҳатдан интенсив технология сифатида тан олинган. Томчилатиб суғориш технологиясида сув ўсимликнинг илдири катламга бир текисда берилади. Бошқа усуллардан фарқи шундаки, даланнинг экин жойлашган жойлари бир хилда навланади. Тупроқда ортиқча намлик юзага келмайди. Бу суғориш режимида ўсимликнинг сувга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Сув тўлиғича экинга етиб боради. Минерал ўғитларни ҳам бевосита сувга қўшиб бериш мумкин. Тупроқ қотиб қолмагани боис, техника билан ишлов беришга зарурат туғилмайди.

Мавсум давомида ҳар гектар майдон ҳисобига 50-60 литр атрофида ёнгили-мойлаш маҳсулотлари таъминланади. Ил давомида бериладиган ўғитлар учун ҳаражатлар томчилатиб суғорилганда 30 фоиз, вегетация даврида бериладиган ўғитлар учун ҳаражатлар эса 50 фоизга камаяди. Экиннинг ўғитни ўзлаштириши 90 фоиздан юқори бўлади. Тупроғи эрозияга мойил енгли тупроқли, ер юзаси нотекис бўлган адирликларда ҳам экинларни томчилатиб суғориш тизимларидан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан яхши самара беради.

Ҳеч шубҳасиз, дунёда озиқ-овқат тақчиллиги тобора ортиб, минтақамизда чўллашиш жараёни кучайиб бораётгани қишлоқ ҳўжалиги ходимлари олдида ҳам долзарб вазифалар қўймоқда. Шундай экан, мамлакатимизда соҳани барқарор ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида аграр тармоқда бошланган испохотлар изчил давом эттирилади. Хусусан, қишлоқ ҳўжалигида сув таъминотини яхшилаш, сув ҳўжалиги инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича йирик лойиҳалар амалга ошириляпти. Пахтачилик ва галлачиликда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, илмий асосда маҳсулот етиштириш, фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини ошириш чоралари кўпайтирилмоқда.



ХОТИРА УЙҒОНСА ҒЎЗАЛДИР

ИНСОННИ ЮКСАЛИШГА ДАЪВАТ ЭТГУВЧИ БУЮК ТУЙҒУ

ёхуд тили ўткир фельетончининг ўзига хос узри

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг "Сариқ девни миниб", "Ширин қовунлар мамлакати", "Беш болали йигитча" каби асарлари XX аср ўзбек болалар адабиётининг катта ютуқлари саналади. Бироқ ёзувчи ижодининг дастлабки босқичида қалами ўткир фельетончи сифатида танилган. Биз шоғирдлар адабий давраларда "Айтинг-чи, устоз, машхур фельетончи қандай қилиб беозоргина болалар ёзувчисига айланган? Ёки тили ўткир фельетончининг ўзига хос узрими бу?" деган саволни кўп берар эдик. Шунда Худойберди ака бир жимлайиб, "Бир хил руҳий ҳолатдан бошқа бир руҳий ҳолатга ўтиш осонликча кечмайди. Шафқатсиз фельетончилдан болалар адабиётига ўтиб кетишимдан олдин бир қанча руҳий босқичлардан ўтганман", дер эди.



бўй фантазия менга маъқул бўлди". Бу илиқ сўзлар ижодкор юрагига ўз мақсадларига нисбатан ишонч туйғусини уйғотган экан. Чунки ўша кезлари устоз "қўлимни мушт қилиб жиноятчилар билан тоқайгача олишиб юраман", дея ўйлаб юрган пайти бўлган.

Машхур адиблардан бири — буюк эртаки Ханс Андерсен ҳақида ёзар экан, шундай дейди: "У катталардан ҳамдард тополмагач, болаларга муружаат қилди. Болалар уни тушунишларини, унга ачинашларини истади. Аммо у янгилиди. Чунки болалар ачинадиганлар, улар ачинаши билмайдилар". Бундан келиб чиқадими, болалар ёзувчисини болалик оламига боғлаб турадиган қандайдир сабаб, ришта мавжуд бўлади. Хўш, Худойберди Тўхтабоевни болалар оламига бошлаб борган ички даъват нима эди? Сенга ҳамфикр ва ҳамдард бўладиган инсонни топиш, сени тушуниб, фикрларингни қувватлайдиган кишини ахтариш аспиди катталар адабиётининг ҳам, болалар адабиётининг ҳам бош вазифаларидан бири ҳисобланади. Ҳар қандай ёзувчи хоҳ катталар, хоҳ болалар учун ёзсин, инсондаги ниманидир тасдиқлагиси, ниманидир инкор қилгиси келади. Тасдиқлаб туриб инкор қилади, инкор қила туриб тасдиқлайди. Худди ана шу руҳий, ахлоқий ҳолатни ёзувчилик ижодий ё салбий образлар орқали кўрсатишди. Демак, ёзувчи ўз асарига ижодий образларни яратар экан, ўзига ҳамдард ахтарилади, айтмоқчи бўлган фикрларини мана шу образ орқали ё тасдиқлайди, ё инкор қилади. Бола эйти тамомийла ўзгача ҳилқат. Агар у сенга меҳр қўйса, сен айтган гапни, жон қулоғи билан тинглайди, шу

гапни сандан эшитгани учун мақтаниб ҳам юради. Худди ана шу маънода Худойберди Тўхтабоев ҳам ҳамдард сифатида болаларни танлаган бўлиши мумкин. Устоз "Мени болаларга боғлайдиган ички дардим уларга бўлган битмас муҳаббатим ва ачинашимдир. Йилгаётган болаларни кўрсам, ёнига ўтириб юратсам дейман. Яхши ўқимаётган болани кўрсам "эсизгина, шу пайтда вақтинчи бекорга ўтказмай, кўпроқ ўрганиб, кўпроқ ўқиса, маънавияти бутунроқ ўсади", дея ачинаман. Ҳар бир боладаги Аллоҳ берган қобилият эртарақ очилса яхши бўлади деб ўйлайман", дея кўп таъкидлар эди. Болалар учун тўғилиб, болалар учун яшагани, ёзаётганда кекса ёшдаги одам бўлиб эмас, худди боланинг ўзи бўлиб ёки яқин уртоғига айланиб ёзишини кўп бора айтган.

Камолот туйғуси инсонни юксалишга даъват этиб турадиган буюк туйғудир. Бола ақлини таний бошлаши билан атрафини ўраб турган моддий ва маънавий дунёни тушунишга, секин-аста ички бир туйғу таъсирида ўзини ҳам англашга интилади. Бу ҳолат унда табиий бўлади, тумга бўлади. Чунки бу гандан келаётган илоҳий овоздир. Бу пайтда болалар шунангани серсавол, шунангани қизиқувчан бўладиларки, ҳамма нарсани тезроқ билиб олишни исташади. Тинимсиз савол бериб, баъзан катталарнинг ҳам беэҳтиборлиги юзорилади. Саволларига жавоб олишолмас, йилгаб ҳам юборадилар. Чунки мия пўстлоғи остида болалик оламига боғлаб турадиган қандайдир сабаб, ришта мавжуд бўлади. Хўш, Худойберди Тўхтабоевни болалар оламига бошлаб борган ички даъват нима эди? Сенга ҳамфикр ва ҳамдард бўладиган инсонни топиш, сени тушуниб, фикрларингни қувватлайдиган кишини ахтариш аспиди катталар адабиётининг ҳам, болалар адабиётининг ҳам бош вазифаларидан бири ҳисобланади. Ҳар қандай ёзувчи хоҳ катталар, хоҳ болалар учун ёзсин, инсондаги ниманидир тасдиқлагиси, ниманидир инкор қилгиси келади. Тасдиқлаб туриб инкор қилади, инкор қила туриб тасдиқлайди. Худди ана шу руҳий, ахлоқий ҳолатни ёзувчилик ижодий ё салбий образлар орқали кўрсатишди. Демак, ёзувчи ўз асарига ижодий образларни яратар экан, ўзига ҳамдард ахтарилади, айтмоқчи бўлган фикрларини мана шу образ орқали ё тасдиқлайди, ё инкор қилади. Бола эйти тамомийла ўзгача ҳилқат. Агар у сенга меҳр қўйса, сен айтган гапни, жон қулоғи билан тинглайди, шу

ёки ўсмирнинг шахси шаклланиб боради. Беғубор, ўйинларга тўла болалик тугаб, аста-секин масъулиятли ўсмирлик палласи бошланади. Бу ҳам табиий ҳам камолот туйғусининг қистови. Бу туйғу бола ёки ўсмирнинг ривожланишига қараб, бирда кучсизроқ, бошқасида кучли бўлиши мумкин. Ўсмирнинг оилада, мактабда, ўртоқлари ўртасида эшитганлари уни қониқтирмай қолади. Худойберди Тўхтабоев таъкидлаганидек, фавқулодда, жуда қизиқарли ёки кўринкли кечинмаларни бошидан кечиргиси келади. Поёнсиз ўрмонда адашиб, сўнг йўл топиб чиқиб кетса, кўринкли қароқчилар билан учрашиб уларни енгса, ҳеч кимнинг ақли етмайдиган янги бир машинани иختиро қилса, пахтанинг шундай бир нави яратса, кўсак пишиб очилса-ю, лўппи-лўппи пахталар ўз-ўзидан оқиб келиб, хирмонда тўпланверса, сигирнинг қорнида сутни пишлоққа айлантирадиган аппарат иختиро қилса...

Хуллас, ўсмир ана шундай ҳаёлот олами кўршовида яшай бошлайди. Ҳаётда қандайдир ютуққа эришганларни кўрса, уларга ҳавас билан қарайди, ҳатто тақлид қилади. Гоҳи мақсадига эришолмай қолган болалар ва ўсмирлар уларидан қочиб ҳам кетишди.

"Қасоскорнинг олтин боши" романини ёзувчи ўғли Бахтиёр ва унинг тенгқур ўртоқларига атаб, тарихий саргузашт жанри талабларига риоя қилган ҳолда ёзган. Давраларда устозга биз айна роман билан боғлиқ тарихий маълумот ва воқеаларни тўғриликда жуда кўп саволлар берганимиз эсимда. Ёзувчи Намоз Пиримқул ўғлини романининг қаҳрамони этиб танлаган. Бу камбағалпарвар, етимпарвар жасур йигит 1870-1907 йиллар ўртасида яшаб, Самарқанд воҳасида камбағаллар ва хўрланларнинг ёнига олиб кўп жасоратлар кўрсатган тарихий шахс эди. Рус тадқиқотчиси Пиясковский ёзган китобида, "Намоз бошлиқ қасоскор йигитлар Тошкент, Самарқанд, Қарши, Бухоро вилоятларидан генерал Сакулский, генерал Фон Гескелларнинг тиш-тирноғига қуролланган қаллақасарларига қарши кураш олиб борган эдилар", дейилган. Намоз тўдасидаги йигитларнинг кўксидида туморида:



Не учун дунёга келдик, Яхшини билмасак биз. Не учун дунёга келдик, Яхшилик қилмасак биз, деган сўзлар қасамед тарихида ёзилган экан.

Ёзувчи тарихий манбаларни чуқурроқ ўргангани, ўша даврларни кўрган кексалар билан кўпроқ суҳбатлашгани сари уттиз етти ёшда хоинлар томонидан ўлдирилган бу жасур йигитни астойдил, мисоли ўз ўғлидек яхши кўриб қолгани ҳақида бизга меҳр билан ҳикоя қилган.

Ижодий учрашувларимизда болаларнинг ўсизимизни Хошимжон ҳақидаги саволларга кўмиб ташлар эди. Шунда ёзувчи "Хошимжон — бу менинг ўзим, болаликдаги орзуларим, шодликларим, шумлиқларим, армонларим. Ўзаётганимда бирор воқеани йўлаб топганим йўқ, турпи-туман воқеалар, қувлиқлар шумлиқлар ўз-ўзидан оқиб келавеган. Бир ўринда қикирлаб кулиб, чопкиллаб кўчага чиқиб кетардим, бошқа бир ўринда Хошимжон йилгаса, мен ҳам қўшилиб йилгардим. Ҳозир ҳам гоҳида Хошимжонга айланаман, гоҳ саксон ёшли Худойберди бобо бўлиб қоламан", деганларини завқ билан эслайман.

Мени ҳаммаша бир нарса хайратга солиб келади. Худойберди Тўхтабоев мансуб бўлган авлодининг болалик йиллари осон кечмаган. Бундай давр ва муҳида болалар эрта улғайиб қолади. Устозга "Сиз саксон ёшдан ошганингизда ҳам болаларча руҳиятни, салбани асраб қолдингиз. Бунинг сирини нимада?" деб кўп савол беришар эди. Шунда устозимиз беғубор жимлайиб шундай жавоб беради: "Ойбек домла уруш йилларининг ўқизига ҳам ишлар бўлган", деган иборани жуда уринли жаббатган. Ҳа, биз уруш йилларида улғайган болалар болалигимиздаёқ қарий бошлаганимиз. Уруш йилларининг барча маънавий қирқинчи болалар елкасига тўшган десам, ишонверингиз. Ота-онадан жуда бўлиш, он-наҳор қолиш, бир бурда нон учун бир-бири билан муштлашган, оиладаги фарзандларнинг бир қалишни навбатма-навбат қийиб мактабга қатнашлари, бурга ва бит обдон урчинган ўша даврларда ерга олов ёқиб, қўйлақни оловга қоқиб-қоқиб олиш

уруш йилларига хос манзаралардир. Бироқ бу гаплар бугунги болаларга эртақ бўлиб туюлади. Лекин бу машаққатларни енгизида раҳматли болаларимиз, жаннати бувиларимизнинг қалбидида гўзалликлар муҳим роль ўйнаган. Боблар қўлига тоқ қайчи олиб қаровсиз қолган оилаларнинг тоқларини кесиб беради. Бувилар зогора ундан атала пишириб оқ қолган оилаларга улашарди".

Шу ўринда устоздан эшитган яна бир воқеани айтиб ўтсам. 1943 йили очарчилик, қаҳатчилик авжига чиққан пайти. Худойбердининг ўғай акаси тўз қонига бориб, катта кўз эшагига қоп-қоп тўз юклаб келиб, қишлоқларга сотган. Шу боис, оилада оз бўлса-да, кут-барак бора эди. Раҳматли онаси "Бир ҳовуч шолини олиб чиқиб тўзсизлар, оқ қилмиш" дейди. Павлов ёши истагидидаги болалар навбатма-навбат атрофда айланганини бир кўрсангиз эди. Нихоят ош дамланади. Раҳматли онаси бўлса "қўлни юзи танчага ўтиринглар, тило-ват қилинади ҳам. Тиловат қилиб ховлига чиқиса, қозон йўқ. Шуниси қизиқки, ош ебётганимизда бирор халақит бермасин деб кўча эшикни ичкаридан беркиртиб қўйишган бўлади. Бир маҳал ўғай акаси боб томондан "манави қалишни кўринглар, Раҳимнинг қалиши, Раҳимнинг қалиши", деб чопиб келади. Ҳаммалари Ўғил холининг уйига югурганида. Ҳеч қўлфланмайдиган эшиқлари қулф эди. Акаси эшикни уриб очди. Қозондаги ошининг дам товоғи эриб очилаётгани боис, болаларнинг домдига ош хиди урилади. Шунда бечора онаси "Қилиб хола, Худода шурқ, шу ошни бирга егимиз деб ният қилганим. Раҳим, иккита лаган келипти, аёллар алоҳида лаганда", дейди. Ўғил болалар алоҳида лаганда эди", дедилар. Ҳа, кўни кўни аёлнинг бирданига йиллаганини кўришди. Улардан бири ёзувчининг онаси, иккинчиси Ўғил хола эди. Эртасига Ўғил хола бир қоп кўмир чиқариб юборди. Назаримда, Худойберди Тўхтабоевнинг қалбини ўша муҳаббат йилларининг яхши одамлари сақлаб қолган бўлса керак. Шу боис, устозимиз ҳар бир асарни ёзаётганимда маънавий жавобгарлик ҳиссини биринчи ўринга қўяман, дея кўп таъкидлаган бўлсалар, ажаб эмас.



Шукрулло АБДУЛЛАЕВ, ёзувчи

ХИВА — 2024 ЙИЛДА ИСЛОМ ДУНЁСИНING ТУРИЗМ ПОЙТАХТИ

Қурраи заминнинг кўҳна маданий ўчоғи

УЗУНЛИГИ 6 КИЛОМЕТРЛИК ДЕВОР ЮРТИМИЗНИНГ ҚАЙСИ ШАҲРИДА?

Икромиддин ОСТОНАҚУЛОВ, Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази катта илмий ходими, тарих фанлари доктори

Ислам ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар туризм вазирларининг 2022 йил 27-29 июнь кунлари Озарбайжоннинг Боку шаҳрида бўлиб ўтган XI сессиясида "Хива — 2024 йилда ислом дунёсининг туризм пойтахти" деб эълон қилинди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти 2023 йил 12 июлда "Хива — 2024 йилда ислом дунёсининг туризм пойтахти" халқаро тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзолади.

Амударёнинг чап соҳилида жойлашган Хива келгуси йилнинг баҳорига халқаро туризм фестивали меъзобига айланади. Қарорга кўра, 2024 йил мартда халқаро тадбир расмий равишда очилади. Май ойида эса Хива шаҳрида Ислам ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар туризм вазирларининг XII сессияси бўлиб ўтади. Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини фаол тарғиб этишга йўналтирилган гастрономик фестивал, улугъ аллома Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишланган халқаро баҳодирлар уйини ўтказилади.

Халқаро зиярат туризми ҳафталиги доирасида қатор тадбирлар ҳам режалаштирилган. Айни кунларда Хивадаги зиярат туризми объектларини таъмирлаш, ободонлаштириш бўйича ҳайрли ишлар жадал сурьатда бормоқда. Жумладан, Ичанқалъа мажмуасидаги Жума масжиди ҳолатини ўрганиш, эксперт хўсаларини шакллантириш ва реконструкция қилиш чораларини кўриш бўйича ишлар давом этмоқда. Бибӣ Ҳожар мажмуаси худудини ободонлаштириш, сайёҳларни қабул қилиш учун шароит яратиш, улар ташифини ташкил қилиш бўйича режалар бажаришмоқда. Хивада 20 минг китоб фондига эга янги кутубхона бунёд этиш, меҳмонхоналарни халқаро талаблар даражасига келтириш учун мутасадди ташкилотлар тўла сафарбар этилган.

Ичанқалъа Хоразм шеvasида "ички қалъа" маъносини беради. Хиванинг ички қалъаси шахростини Дишанқалъа (ташки қалъа) қисмидан кўнрақроқ девор билан ажратилган. У Хива работи — Дишанқалъадан баландда тепакўрғонга ўхшаб кўзга ташланади. Ичанқалъага Боғча дарвоза, Пўлвон дарвоза, Тош дарвоза, Ота дарвоза номли тўрт дарвозадан кирилган. Ичанқалъа девори илк бор эраимиздан аввалги V-VI аsрларда қурилган бўлиб, давр ўтиши билан бир неча бор таъмирланган. Деворнинг баландлиги 7-8 метр, қалинлиги пастиди 8-10, юқорисиди 2-3 метр, унинг устиди бемалоп аравада юриш имкони бўлган. Қалъа бир неча марта бузилиб тўзатишгани ҳақида тарихчи Худойберди Қўшмуҳаммад ўғлининг "Дили ғаройиб" асариди баён этилган. Бу тарихчи деворнинг узунлиги 2200 метр бўлиб, тўрт томонга қарата қурилган дарвозалари бор.



Дишанқалъа шаҳарнинг ташқи қисми бўлиб, деворлари узунлиги 6 километр, баландлиги 8 метр ва қалинлиги 6 метрдан иборат. Эски шаҳарга бугунги кунда ҳам муштаҳкам сақланиб келаётган тўртта дарвозадан кирса бўлади. 100 йиллар муқаддам эса бу дарвозалар сони 10 та бўлган. Тошқовли саройида Хива хонлари меҳмонхоналари, турар жойи, ҳарамлари бўлиб, ҳашамдорлиги, нақшинкорлиги билан ажралаб турган. Хива хонларининг бир неча саройи бугунгача ҳолати ва меъморий салоҳиятини йўқотмаган. Ана шундай машхур саройлардан бири Оллоқулхоннинг 1830-1838 йилларда барпо этилган Тошсаройидир. Тошқовли 80х80 метри ташкил этади.

Кўҳна Арк — эски қалъа қадамида Хива хонлари қароғожи бўлган. Унинг тарихида зарбхона, расмий қабуллар саройи, девонхона, харбийлар турароғи ҳамда сиёсий мақбулар учун қибхоналар бўлган. Бино Шарқ нақшолиқ санъатидан унумли фойдаланилган ҳолда барпо этилган бўлиб, эшик ва ромлари ёғоч ўймакорлиги билан зиналанган. Хиванинг яна бир ишооти Қалта минор. Бу ишоот ислом дунёсининг энг баланд минора бўлиши кўзда тутилган. Унинг диаметри 14 метр. Агар бу қурилиш тўхтатилмаганида, у мисли қурилмаган осмонлар минорага айланган бўлар эди. Минора 26 метр тикланган давр сўнг қурилиш давом эттирилмаган. Сабаби шу кунгача аниқланмаган.

Паҳлавон Маҳмуд (1322 йили вафот этган) мақбараси шоир ва аллома, машхур паҳлавон, ватанпарвар ва маърифатпарвар инсоннинг сўнгги манзили саналиб, зияратоғга айланган. У ҳақда афсоналар ҳам тўқилган. Мақбара Ўзбекистоннинг бошқа қадимий шаҳарларида ҳам учрайдиган ўзига хос ферузаранг гўмбаб билан қўпланган. Ички томонида чиройли хаворанг яриқор чинчи ланпақлар — плитчалар билан нақшланган.

Исломуҳжа минораси сайёҳлар энг кўп ташириф бурордиган машхур қадимжолардан бири. Бу ишоотни Қўлтўғ Темур дея ном олган Кўҳна Урганч минораси билан ҳам таққослаш мумкин. Баландлиги 45 метр бўлгани учун, интернетга жойлаштирилмоқда. Халқаро тадбирига тўёна сифатида Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази зиярат туризми илмий тадқиқот бўлиши ҳамда Урганч давлат университетини филология факультетини мутахассислари томонидан "Хива васфи назми" (расмий) шеърини тўпламини тайёрлаш устиди қизгин иш олиб борилмоқда.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти ДУК
Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридида Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Наш индекси — 236. Буюртма Г-1046. 43312 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда. "ШАРҚ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Феруза Жўраева
Мусаҳҳиш: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рузиев
Манзилими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Ўза Якуни — 01:12 Тошхириди — 01:25